



Ўн учинчи фасл. Шоҳибекхоннинг Хоразмга юриш қилиб олгани, Мовароуннахрга қайтиб, кейин Хуросонга юриш қилгани баёни.

Шоҳибекхон мўғуллар ишини саранжом қилгач, Султон Саидхон Мўғулистонга, отам эса Хуросонга қочиб кетишди. Айрим мўғулларни у ўлдирди, айримларини қишанбанд қилди. Шохбегимни Хуросонга жўнатиб, қолган мўғулларни ўзи билан Хоразмга олиб кетди. Ўн бир ой давомида уни қамал қилиб турди. Хоразмда Султон Хусайн мирзо номидан Чин Сўфи ҳокимлик қиларди. Ўн бир ой давомида ёрдам сўраб қилган фарёдига ҳеч қим қулоқ солмади. У шундай хайратланарли жанглар қилдики, бу жанглар ўзбеклар орасида афсонага айланди. Охири озик-овқат захиралари тугаб, кўп одамлар очликдан ўлиб, ортиқ қурашишга имконият қолмагандан сўнггина, Шоҳибекхон Хоразм қалъасини эгаллади. У Чин Сўфини ўлдириб Самарқандга қайтди.

Хоразмни олгунга қадар Шоҳибекхон олти ой Балхни қамал қилди, бу ишни ярим йўлда қолдирган бўлиб, бу ҳақда олдин ёзган эдик, энди эса ўшани охирига етказиш учун кетди. У Балхни ҳам эгаллаб, Самарқандга қайтиб келди. Қишни Самарқандда ўтказиб, кўклам Хуросон устига қўшин тортди.

Султон Хусайн мирзо бир йил бурун вафот этган эди. Султон Хусайн мирзо ўғилларининг мулоҳазасизликлари ва сустқашликлари туфайли ораларида умумий иттифоклик йўқ эди. Улар Шоҳибекхон келаётганини эшитиб, саросимага тушиб қолишди, ҳар қайсисидан ҳар хил маслаҳат чиқиб, аниқ бир тўхтамга қелиб улгуришмаган ҳам эдики, Шоҳибекхон Хиротга яқин қелиб қолди, деган хабар келди. Амир Зуннун Аргун уларга қарши лашкар чиқарди. Аммо селни тупроқ билан қайтариш, оловни ҳас-ҳашак билан ўчириш мумкин бўлмагандек, унинг эҳтиётсизлиги туфайли ўзбек лашкарининг дастлабки илгор қисми жангчилари амир Зуннун Аргунни ўлдириб, Хирот ичини талон-тарож қилишга киришди. Мирзолар ҳар тарафга қочиб кетишди, ҳатто лашкарнинг кўпчилиги Хиротнинг қандай олинганини билмай ҳам қолди. Аҳолиси кўп шундай катта шаҳарни шунчалик тез эгаллашганига душманлар шодланишди. Султон Абусаид амирларининг авлодларидан бири, исми «Тазкират уш-шуаро»да зикр қилинган Мир Мухаммад Солих Хуросоннинг босиб олиниш йилини «Хуросон» сўзида тарих қилган, яъни шу сўз харфларининг йигиндиси 912 (1506-1507) йилни англатади.

(давоми бор)

[1](#) , [2](#) , [3](#) , [4](#) , [5](#) , [6](#)